

# ХАҚ ЭВАЗИГА ХИЗМАТ КҮРСАТИШ БҮЙИЧА ШАРТНОМА

№ 133815

«24» 10 2022 йил

Урганч шаҳар

Урганч давлат университети, кейинги ўринларда “Буюртмачи”, номидан ректор Б. Абдуллаев, бир томондан ва “Саноат фуқаро лойиха” хусусий корхонаси кейинги ўринларда “Бажарувчи” номидан раҳбари Б. Аллаберганов, иккинчи томондан кўйидагилар тўғрисида ушбу шартномани туздилар:

## 1.Шартнома предмети

- 1.1 Ушбу Шартнома бўйича Ижрочи Буюртмачининг топшириғига асосан ушбу шартноманинг 1.2-бандида кўрсатилган хизматларни кўрсатиш, Буюртмачи эса кўрсатилган хизматлар учун тўловларни амалга ошириш мажбуриятини олади.
- 1.2 Кўрсатилган хизмат номи: “Хоразм вилояти Урганч тумани Мустакиллик қўчасида жойлашган УрДУга қарашли Кимё – технология факултети ўқув биносини реконструкция қилиш” объектини бажарилган қурилиш ишларини назорат ўлчовидан утказиши.
- 1.3 Ижрочи ушбу шартнома бўйича бажарилган қурилиш-монтаж ишларининг назорат ўлчов ишларини (хизматлар кўрсатишни) қурилиш соҳасига оид амалдаги меъёрий-хукукий хужжатлар, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси қурилиш соҳасидаги меъёрий хужжатларига асосланган ҳолда амалга оширилади.
- 1.4 Хизмат кўрсатиш муддати: Буюртмачи томонидан ушбу шартноманинг 3.2-бандида кўрсатилган миқдорда олдиндан тulos амалга оширилган ҳамда мазкур шартноманинг 1 – иловасида келтирилган Рўйхатга асосан хужжатларни тақдим этган вақтдан бошланиб 10 иш куни. Ижрочи ушбу шартномада кўрсатилган хизматларни муддатидан олдин кўрсатиш хукуқига эга.

## 2.Томонларнинг хукуқ ва мажбуриятлари

### 2.1 Ижрочининг мажбуриятлари:

- 2.1.1 Хизмат кўрсатишни лозим ва юқори профессионал даражада амалга ошириш.
- 2.1.2 Ушбу шартноманинг 1.4 бандида кўрсатилган муддатда ва тўлиқ ҳажмда хизмат кўрсатишни амалга ошириш лозим.
- 2.1.3 Хизмат кўрсатиш жараёнида хизмат кўрсатиш сифатига салбий таъсир кўрсатадиган даражада Ижрочи шартнома шартларидан четлашган бўлса, буюртмачининг талабига асосан 5 кун давомида аниқланган барча нуқсонларни бартараф этиш.
- 2.1.4 Хизматларни шахсан амалга ошириш, Буюртмачининг ёзма розилигисиз бошқа юридик шахсларни жалб этмаслик.
- 2.1.5 Назорат ўлчовлари натижалари бўйича Буюртмачига назорат ўлчовларига оид материалларни ҳамда топшириш-қабул қилиш далолатномасини ҳамда хисоб-фактурани ёзма равишда топшириш.
- 2.1.6 Бажарилган физик ҳажмларни оммовий усулда (тўлиқ) назорат ўлчовидан ўтказиш ва обьектда аниқланган камчиликларни бартараф қилдириш ва кейинчалик обьектни кўздан кечирганлиги бўйича жавобгарликни ўз зиммасига олиши юзасидан буюртмачига билдиришнома тақдим қилиш.

### 2.2 Ижрочининг хукуклари:

- 2.2.1 Буюртмачи томонидан ушбу шартноманинг 3.2-бандида кўрсатилган олдиндан тўлов амалага оширилгандан сўнг мазкур шартноманинг 1-иловасидаги Рўйхатга асосан хужжатларнинг ўз вақдидага тақдим этилишини инобатга олиб хизмат кўрсатишни бошлаш.
- 2.2.2 Буюртмачидан белгиланган тартибда назорат ўлчовини ўтказиш учун мазкур шартноманинг 2-иловасидаги Рўйхатга асосан зарур бўладиган тўлиқ ва аниқ хужжатларни талаб қилиш.
- 2.2.3 Ўз ишини мустақил ташкил этиш, назорат ўлчовини ўтказиш усулларини ҳамда мутахассислар таркибини танлаш.
- 2.2.4 Хизмат кўрсатиш жараёнида юзага келадиган саволлар бўйича Буюртмачининг жавобгар шахсларидан тушунтиришлар олиш.

### 2.3 Буюртмачининг мажбуриятлари:

- 2.3.1 Ушбу шартноманинг 3-бўлимида кўрсатиб ўтилган тартибда хизматлар учун тўловларни амалга ошириш.
- 2.3.2 Ижрочининг талабига асосан мазкур шартноманинг 1-иловасидаги Рўйхат бўйича хужжатларни тўлиқ ҳажмда назорат ўлчовларини ўтказиш учун керакли бўлган муддатда тақдим этиш.
- 2.3.3 Ўз ходимлари ва пурратчилар вакилларининг иштирокини таъминлаш.

**2.3.4** Ижрочига автотранспорт, офис хонасини ҳамда зарур ҳолларда Ижрочи вакилининг асосий иш жойи жойлашган шаҳар ёки аҳоли турар жойидан ташқарида хизматлар кўрсатиладиган давр учун яшаш учун жой билан таъминлаш.

**2.3.5** Ижрочидан Топшириш-қабул қилиш далолатномасини олган кундан эътиборан 5 кун давомида кўрсатилган хизматлар натижаларини қабул қилиб олиш.

**2.4.3** Объектда бажарилган қурилиш-монтаж ишларининг назорат ўлчови амалга ошириш жараёнида қатнашиш.

### **3. Шартнома баҳоси ва ҳисоб-китоблар тартиби**

**3.1** Шартноманинг умумий баҳоси **67 000 000 (Олтмиш етти миллион)** сўмни ташкил этади.

**3.2** Буюртмачи томонлар ушбу Шартномани имзолаган кундан бошлаб 3 банк иш куни давомида шартнома умумий баҳосидан 30% микдорида Ижрочининг ҳисоб рақамига олдиндан тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

### **4. Хизматлар (ишлар)ни топшириш ва қабул қилиш тартиби**

**4.1** Хизматлар кўрсатилгандан (назорат ўлчови бўйича ишлар бажарилгандан) сўнг Ижрочи Буюртмачига кўрсатилган хизматлар (бажарилган ишлар) ни топшириш-қабул қилиш далолатномасини тақдим этади.

Буюртмачи Ижрочидан олган санадан бошлаб 2 кун давомида кўрсатилган хизматлар натижаларини қабул қилиш ва топшириш-қабул қилиш далолатномасини имзолаш мажбуриятини олади.

**4.2.** Ижрочи хизмат кўрсатиш жараёнида хизмат кўрсатишни давом этириш имконияти йуклиги ёки хизмат кўрсатишнинг мақсадга мувофиқ эмаслигини аниқланган тақдирда бу хақда Буюртмачига хабар бериши ва зарурий чораларни кўриши лозим.

**4.3.** Буюртмачи ёки унинг ваколатли вакили томонидан кўрсатилган хизматларни топшириш-қабул қилиш далолатномаси имзолагандан сўнг хизматлар кўрсатилган ҳисобланади.

**4.4.** Ижрочи томонидан назорат ўлчови далолатномалари кўрсатилган хизматлар, ҳамда тўлиқ расмийлаштирилган топшириш-қабул қилиш далолатномаси ва ҳисоб-фактура тақдим этилганидан сўнг .

### **5. Махфийлик**

**5.1.** Томонлар ушбу шартноманинг мавжудлиги ва мазмuni, шунингдек ушбу шартнома доирасида томонларнинг хар бирига тақдим этилган хар қандай маълумотларни сир саклаш мажбуриятини олади.

**5.2.** Томонлар ушбу шартноманинг томонларидан бирининг олдидан берилган Ёзма розилигисиз учинчи томонга факт ва маълумотларни умуман ёки қисман очмаслик ва ошкор этмаслик мажбуриятини олади.

**5.3.** Ушбу шарт бошқа шахслар томонидан олиниши мумкин бўлган маълумотларга тегишли эмас, Ўзбекистон Республикаси қонунлари кўзда тутилган айrim ҳолатлар бундан мустасно.

### **6.Форс-мажор ҳолатлар**

**6.1** Ушбу шартнома имзоланганидан сўнг фавқулодда ҳолатлар (ёнғин, сув тошқини, зилзила, табиий оғат ва шу каби) содир бўлиши оқибатида ушбу Шартнома бўйича мажбуриятларнинг тўлиқ ёки қисман бажарилмаслигига мажбуриятларни тўлиқ ёки қисман бажара олмаган томон содир бўлишини олдиндан кўра билиш ёки уларни олдини олиш имконияти йўқлиги туфайли (енгиг бўлмас ҳолатлар) жавобгар бўлмайди.

**6.2** Форс-мажор ҳолатда юзага келиши билан ушбу ҳоларлар ва уларнинг оқибатлари ҳаракатда бўлган даврга мос равища мажбуриятларни бажариш муддати узайтирилади.

**6.3** Томонлар форс-мажор ҳолатлар бошланиши ва тугаши тўғрисида бир-бирларини зудлик билан ёзма равища хабардор қилишлари лозим.

**6.4** Форс-мажор содир бўлганлигини рўкач қиласидиган томон тегишли давлат идорасидан ушбу ҳолатни тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этишга мажбурдир.

**6.5** Ушбу Шартномани ижро этишнинг имконини бўлмаган тақдирда олдиндан тўлов миқдоридан Ижрочининг ҳакиқатда қилган ҳаражатлари миқдорига камайтирилгандан қолган кисми қайтариб берилади.

## 7. Томонларниң жавобгарлиги

**7.1** Ушбу Шартноманинг 1.4-бандида кўрсатилган хизматларни кўрсатиш муддатлари бузилган тақдирда Ижрочи мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0.4 фоизи миқдорида ҳар бир муддати ўтган кун учун пеня тўлайди, лекин бунда тўланадиган пеняниң умумий миқдори мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 50 фоиз миқдоридан кўп бўлмаслиги лозим.

**7.2** Кўрсатилган хизматлар учун тўловлар ўз вактида амалга оширилмаган тақдирда Буюртмачи Ижроига муддати кечикирилган тўлов миқдорининг 0.4 фоизи миқдорида ҳар бир кечикирилган тўлов миқдорининг 50 фоизидан кўп бўлмаслиги лозим.

**7.3** Жариманинг тўлови томонларни шартларини бажаришдан озод этилмайди.

**7.4** Ушбу шартномада кўрсатилмаган томонларниң жавобгарлиги бўйича чоралар Ўзбекистон Республикаси Фуқоролик кодекси ҳамда Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини шартномавий-хуқукий баъзаси тўғрисида”ги Қонунга асосан кўлланилади.

## 8. Шартноманинг амал қилиш муддати ва унинг бекор қилиш тартиби

**8.1** Ушбу шартнома томонлар имзолаган кундан бошлаб кучга киради ва **2022 йил «31» декабргача** амал қиласди.

**8.2** Ижрочи Буюртмачи томонидан қуидаги шартлар бажарилмаган тақдирда бўнак тўловларни кайтармаган ҳолда шартномани бекор қилишни талаб қилиш хуқуқига эга.

- хизмат кўрсатиш зарур бўлган ҳужжатларни тўлиқ ва керакли ҳажмда тақдим этмаганда:
- пудратчи ташкилотларнинг қатиапишиларини таъминламаганда:
- буюртмачи томонидан Ижроига боғлик бўлмаган сабабларга кўра хизмат кўрсатишни бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатилганда.

**8.3** Буюртмачи қуидаги ҳолларда шартномани бекор қилишни талаб қилиш хуқуқига эга:

- Буюртмачига боғлик бўлмаган сабабларга кўра Ижрочи томонидан хизмат кўрсатишни бошлиш 15 кунга кечикирилганда:
- Шартномада кўрсатилган муддатга нисбатан хизмат кўрсатишни тугатиш муддатининг Ижрочининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга узайтирилганда.

**8.4** Ушбу шартномани бекор қилиш ташаббуси билин чиқсан томон иккинчи томонни 2 кун давомида ёзма равища хабардор қилиши шарт.

## 9. Низоларни ҳал этиш тартиби

**9.1** Ушбу шартномани бажарилиши жараёнида юзага келиши мумкин бўлган низо ва тушунмовчиликлар имкон қадар томонлар ўртасида музокара йўли билан ҳал этилади.

**9.2** Низо ва тушунмовчиликлар музокара йўли билан ҳал этилмаган тақдирда томонлар низоларни бартараф этишининг судгача бўлган барча чораларни кўргандан сўнг низолар Хўжалик судида ҳал этилади.

## 10. Якуний қондалар

**10.1** Ушбу шартномага киритиладиган ҳар қандай ўзгартиш ва қўшимчалар улар ёзма равища тузилган ва томонларниң ваколатли шахслари томонидан имзоланган тақдирдағина хақиқий ҳисобланади.

**10.2** Томонлар ушбу шартнома бўйича кўзда тутилмаган барча ҳолатлар бўйича Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конунчилигига асосан харакат қиласди.

**10.3** Ушбу шартнома икки нусхада тузилган. Иккала нусха хам айнан ўхшаш ва бир хил юридик кучга эга. Томонларниң ҳар бирида ушбу Шартноманинг бир нусхаси мавжуд.

## 11. Томонларниң манзиллари ва банк реквизитлари

«Ижрочи»

«САНОАТ ФУҚАРО ЛОЙИХА» ХК

Манзил: Урганч шаҳар Ал-Хоразмий 67 уй

Банк: АТ Ипотека банк Хор. филиал

МФО: 00579 ИНН: 205427265

Хисоб раками: 20208000104379834001

ОКОНХ 66000

«Буюртмачи»

УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Манзил: Урганч ш. X. Олимжон кўчаси 14  
уй

Х/р: 23402000300100001010 МФО:00014

Банк: Марказий банк Тошкент шаҳар  
ХККМ

ИНН: 201 651 846

шхр:400910860334017094100079001

### Томонларниң имзолари ва муҳрлари

Б. Аллаберганов

(имзо ва муҳр)




Б. Абдуллаев

(имзо ва муҳр)



Хуқуқшунос:

Ш. Атаев



**Назорат ўлчови ўтказиш учун буюртмачи томонидан тақдим этилиши лозим  
бўлган ҳужжатлар рўйхати**

1. Буюртмачи вакили ёки вакилларига назорат ўлчовида қатнашиш ва далолатномани имзолаш хукукини берувчи буйрук.
2. Курилиш-монтаж ишларини амалга ошириш учун асос бўлган ҳужжатлар.
3. Ойлик кесимида пудратчилар томонидан бажарилган ишлар реестри.
4. Лойихалашга тоинирик на нуксон далолатномасини инобатга олган лойиха-смета ҳужжатлари (ЛСХ).
5. ЛСХга ноидоравий экспертиза ташкилотининг эксперт хулосаси.
6. Курилиш-монтаж ишларини амалга ошириш шартномаси.
7. Ишлар тури бўйича таснифланган расшифровка қилинган бажарилган курилиш-монтаж ишлари қиймати ҳақидаги ҳисоб-фактура маълумотномалари.
8. Кўзга кўринмайдиган (ёник) ва бузиб олиш (демонтаж) ишлари далолатномалари, шунингдек бузилиш жараёнида фойдаланишга ярокли бўлган қурилиш материаллари кирим ҳужжатлари.
9. Ижро чизмалари, техник ва ижро ҳужжатлари.
10. Танлов савдоларида ғолиб чиқкан пудрат ташкилотларининг оферталари (конкурс ҳужжатларини инобатга олган холда), ғолиб бўлганлиги тўғрисида тендер комиссиясининг баённомаси, зарурий ҳолларда қолган даъвогарларнинг оферталари.
11. Бажарилган ишлар ва тўловлар бўйича маълумот.
12. Танлов савдоларида ғолиб чиқкан пудрат ташкилотларининг оферталари (конкурс ҳужжатларини инобатга олган холда), ғолиб бўлганлиги тўғрисида тендер комиссиясининг баённомаси, зарурий ҳолларда қолган даъвогарларнинг оферталари.
13. Офёрта Ф-5 ва иш турлари бўйича бажарилган ишлар далолатномаси йигмаси Ф-5 шаклида. (электрон кўринишида-экзел).

**Назорат ўлчови ўтказиш учун пудратчи томонидан тақдим этилиши лозим бўлган  
ҳужжатлар рўйхати**

1. Пудратчи вакили ёки вакилларига назорат ўлчовида қатнашиш ва далолатномани имзолаш хукукини берувчи буйрук.
2. Ойлик кесимида пудратчилар томонидан бажарилган ишлар реестри.
3. Курилиш-монтаж ишларини амалга ошириш шартномаси.
4. Ишлар тури бўйича таснифланган бажарилган курилиш-монтаж ишлари қиймати ҳақидаги ҳисоб-фактура маълумотномалари.
5. Ишлатилган қурилиш материаллари бўйича юқ ҳатлари ва ҳисоб-фактуралар.
6. Таёрган ва қурилишда ишлатилган материаллар ва конструкциялар бўйича калькуляциялар.
7. Пудрат ташкилотининг бошқа ҳаражатлари ҳисоб-китоблари.
8. Транспорт ва омбор ҳаражатларига ҳисоб-китоблар.
9. Кўзга кўринмайдиган (ёник) ва бузиб олиш (демонтаж) ишлари далолатномалари, шунингдек бузилиш жараёнида фойдаланишга ярокли бўлган қурилиш материаллари кирим ҳужжатлари.
10. Ижро чизмалари, техник ва ижро ҳужжатлари.
11. Бажарилган ишлар ва тўлов бўйича маълумотлар.
12. Офёрта Ф-5 иш турлари бўйича бажарилган ишлар далолатномаси йигмаси Ф-5 шаклида (электрон кўринишида, экзел).

24.10 2022 йил

15385 - сонли хақ эвазига хизмат

кўрсатиш бўйича шартномага 2-ИЛОВА

Объектини бажарилган курилиш ишларини назорат ўлчовидан утказиш

### Калкуляция

O=Об.к\*0,008795318

67 000 000,00(58 260 870,00+8 739 130,00(ККС))=7 617 689 708,00(Объектини бажарилган  
курилиш ишлари суммаси ) \* 0,008795318

№	Хизмат номи	Ўлчов бирлиги	Хизмат миқдори	Хизмат нархи	ККС суммаси	Жами сумма
1	Хоразм вилояти Урганч тумани Мустақиллик кўчасида жойлашган УрДУга қарашли Кимё – технология факултети ўқув биносини реконструкция қилиш” объектини бажарилган курилиш ишларини назорат ўлчовидан утказиш	хизмат	1	58 260 870,00	8 739 130,00	67 000 000,00

Объектини бажарилган курилиш ишларини назорат ўлчовидан утказиш нархи: 67 000 000,00

Директор:

Б.Аллаберганов

